**Ушбу сонда:**
**2** *2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили* УШАЛГАН ОРЗУ
**3** TV - ДАСТУРИ
**4** *Шоҳмот сабоқлари* МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ МАКТАБИ ДАВОМ ЭТАДИ

ISHONCH
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2002 йил 23 март, шанба №48 (1265)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

***Барчамизга маълумки, бизнинг кўҳна заминимизда қадим-қадимдан турли цивилизация ва маданиятлар ёнма-ён яшаб, аждодларимиз бошқа халқларнинг санъатидан ҳам баҳраманд бўлиб келган.***

***Ота-боболаримизнинг асрлар мобайнида миллий санъатимиз билан бир қаторда жаҳон маданиятининг энг илғор намуналарини ижодий ўзлаштириб, янада ривожлантиргани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.***

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ САНЪАТ КОШОНАСИ

***Наврўз байрами бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётган шу кунларда санъат аҳли, бутун халқимиз яна бир шодиёнага гувоҳ бўлди. 22 март куни Тошкентда консерваториянинг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

***Мазкур санъат кошонасининг тантанали очилиш маросимини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.***

***Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

- Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган консерватория янги биносининг очилиши нафақат санъат аҳли, балки юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун катта ғурур ва ифтихор бахш этадиган қувончли воқеадир, - деди Ислом Каримов. - 65 йиллик тарихга эга бу муассасанинг маданий ҳаётимиздаги ўрни беқиёсдир.

Консерваториянинг янги биносига назар ташлаган ҳар бир киши унинг пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшувчи энг гўзал иншоотлардан бири бўлганига тан беради.

Янги санъат ўқув мажмуи сифат жиҳатдан мутлақо ўзгача, замонавий ва муҳташамдир. Бу ерда энг замонавий мусиқа асбоблари билан жиҳозланган аудиториялардан ташқари бир нечта концерт зали мавжуд.

Ўтган йили Президент Ислом Каримов консерватория қурилишининг бориши билан танишиш жараёнида бир қанча қимматли маслаҳатлар берган эди. Президентимизнинг таклифлари асосида фойеда ишланган ранг-баранг паннолар мураббий-устозлар ва талабаларга илҳом бахш этади.

Ислом Каримов консерваториянинг янги биноси қурилишида иштирок этган муҳандис ва қурувчиларга, усталарга самимий миннатдорлик билдирди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов, бастакор Мустафо Бафоев ва «Ниҳол» мукофоти совриндори Анна Гузаирова давлатимиз раҳбарига мана шундай муҳташам ва барча қулайликларга эга саройни қуришда бош-қош бўлгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Консерватория янги биносининг очилишига бағишлаб санъат усталари, ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш қилинди.

Тантанали маросим сўнггида Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотда бўлди.

- Маънавий тараққиётни таъминламасдан туриб, моддий фаровонликка эришиш қийин,- деди давлатимиз раҳбари.- Маънавий қашшоқ киши моддий бойликнинг ҳам қадрига етмайди. Шу боис биз тўй-томоша, байрамлар ўтказиш, маданий иншоотлар қуришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Миллий қадриятларимиз билан фахрланишнинг ўзи камлик қилади. Бизнинг бугунги вазифамиз аждодларимиз қолдирган улкан маънавий бойликни асраб-авайлаш, ҳар томонлама ривожлантириш ва келгуси авлодларга етказишдан иборат. Янги консерватория биноси учун зарур мусиқа асбобларини жаҳоннинг Япония, Германия, АҚШ каби энг илғор давлатларидан келтирдик. Лекин асосий масала - бу кошонани фақат жиҳозлар билан эмас, ҳақиқий истеъдод эгалари билан тўлдиришда. Бундай муҳташам биноларни қуриб, ишга тушираётганимиз бизнинг янги ҳаёт сари қадам қўяётганимиздан яна бир далолатдир.

**Анвар Каримов, Мусулмон Намозов, ЎзА мухбирлари**







## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЯНГИ КОНСЕРВАТОРИЯ БИНОСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли санъаткорлар!

Бугун Наврўз нафаси кезиб юрган гўзал ва бетакрор юртимизда яна бир катта байрам, катта шодиёна.

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган консерваториямиз янги биносининг очилиши нафақат санъат аҳли, балки юртимизда яшайдиган ҳар бир инсон учун чексиз ғурур ва ифтихор бахш этадиган қувончли воқеадир.

Шу муносабат билан мен, аввало, сиз, муҳтарам маданият ва санъатимиз намояндаларини, ижодкор зиёлиларимиз, талаба ёшларимизни, узоқ-яқиндан ташриф буюрган азиз меҳмонларимизни, барча-барчангизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Мана шундай улуғвор, ҳар қандай инсоннинг ҳавасини тортадиган муаззам санъат даргоҳи остонасига қадам қўяр экан, одам беихтиёр санъатнинг башарият ҳаётидаги ўрни, мусиқанинг инсон руҳиятига беқиёс таъсири ҳақида ўйлайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, дунёда мусиқани севмайдиган, ундан таъсирланмайдиган одамнинг ўзи йўқ.

Одамзот ёзиш-чизишни, ўқишни билмаслиги мумкин, лекин, шубҳа йўққи, гўзал куй, оҳанг ва тароналарнинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қандай вазиятда ҳам сезади. Таъбир жоиз бўлса, мусиқа инсоннинг юрагида албатта акс-садо беради.

Мусиқанинг беқиёс таъсир кучи фақат хурсандчилик кунларда эмас, балки инсоннинг бошига турли синовлар тушган, юраги ғам-ғуссага тўлган оғир дамларда ҳам намоён бўлиб, унга куч-қувват, руҳий мадад беради.

Одам ўз Ватанидан олис жойларда, бегона ўлкаларда юрган чоғида, дилига яқин бўлган бирон миллий оҳангни эшитганида, аввало, эл-юртини эслайди, соғинч тўла кўнглига малҳам топади.

Мусиқа деб аталмиш илоҳий бу мўъжизада шундай бир сеҳр мужассамки, уни тушуниш, таъсирини сезиш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ.

Шу сабабдан ҳам Бах ва Моцарт, Бетховен ва Шопен, Чайковский ва Шостакович каби буюк даҳолар яратган дурдона асарлар билан дунёдаги барча миллат ва халқлар фахрланади, уларни ҳақли равишда бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги, деб билади.

Қадрли юртдошлар!

Ўзбек халқи ўзининг юксак мусиқий салоҳияти, мусиқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозонган.

Юртимизда ўз мусиқачиси, ўз санъаткори бўлмаган қишлоқ ёки маҳаллани топиш қийин.

Ҳар бир ўзбекнинг меҳмонхонасида дутор ёки танбур каби бирон-бир чолғунинг доимо осиғлиқ туриши ҳам халқимизнинг ана шу санъатга чексиз ҳурмати ва ихлосидан далолат беради.

Айтиш мумкинки, мусиқа одамларимизнинг юрак туйғулари, руҳий кечинмалари билан чамбарчас пайванд бўлиб, ҳаётимизнинг ажралмас, узвий бир қисмига айланиб кетган.

Барчамизга маълумки, бизнинг кўҳна заминимизда қадим-қадимдан турли цивилизация ва маданиятлар ёнма-ён яшаб, аждодларимиз бошқа халқларнинг санъатидан ҳам баҳраманд бўлиб келган.

Ота-боболаримизнинг асрлар мобайнида миллий санъатимиз билан бир қаторда жаҳон маданиятининг энг илғор намуналарини ижодий ўзлаштириб, янада ривожлантиргани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Шу маънода, ўтган асрнинг 20-йилларида Европа мусиқасининг маънавий ҳаётимизга кириб келгани, Тошкент ва Бухоро, Хива ва Самарқанд шаҳарларида дастлабки профессионал мусиқа мактабларининг пайдо бўлгани санъатимиз ва маданиятимиз ривожига ёрқин саҳифалар бўлиб қўшилганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу борада Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида биринчи бўлиб ташкил этилган Тошкент давлат консерваториясининг тутган улкан ўрни ҳақида алоҳида айтиб ўтишимиз зарур.

Бугунги кунда мамлакатимиз мусиқа санъати соҳасида қандай ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида олтмиш беш йиллик тарихга эга бўлган консерваториямизнинг ҳиссаси чексиз эканини, аввало, унинг опера ва балет, хор ва симфоник асарларни яратиш, замонавий эстрада ривожига кўрсатган таъсирини жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, мана шу билим масканида таҳсил олган ўнлаб санъаткорларимизнинг ўз истеъдоди билан жаҳон саҳналарини забт этаётганида, ёш ижрочиларимизнинг нуфузли халқаро танловларда ғолиб чиқиб, Ўзбекистон довруғини бутун дунёга таратаётганида, юртимизда ўтказилаётган турли мусиқа фестивалларига кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш ортиб бораётганида консерватория ижодий жамоасининг хизмати ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Бугун биз ўзининг бетакрор санъати ва бой мероси билан ўзбек мусиқа маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган бастакор ва ижрочиларни, бутун илмий-ижодий фаолиятини консерватория ҳаёти билан чамбарчас боғлаган заҳматкаш педагог-мураббийларнинг хотираси ва номларини ҳурмат-эҳтиром билан ёд этамиз ва тилга оламиз.

Шу билан бирга, эски тузум даврида бу ўқув даргоҳининг фаолияти ҳам ўта мафкуравий асосда, бирёқлама ташкил этилганини бугун тассуф билан эслаймиз.

Узоқ йиллар давомида бу ерда миллий мусиқа санъатига эътибор берилмагани, ҳатто жаҳон мусиқа маданиятининг энг нодир намуналаридан бўлмиш мақом санъатига ҳам беписандлик билан қаралгани, уни ўрганиш ва тарғиб этиш масаласи 70-йиллардагина, шунда ҳам, халқаро мусиқа жамоатчилигининг таъсири остида йўлга қўйилгани, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.

Мана шундай нотўғри ёндашувни биз эллигинчи йилларда рўй берган, мусиқа ижрочилигида ўзбек миллий чолғу асбобларидан воз кечишга бўлган бемаъни уринишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, Турғун Алиматовдек буюк санъаткорлар қўлида тенгсиз мўъжизага айланадиган танбур навосидан завқ олмайдиган, ҳайратга тушмайдиган, унга қойил қолмайдиган одам борми? Бундай ноёб, нодир санъатни халқ хотирасидан ўчириш, йўқ қилиш мумкинми?

(Давоми 2-бетда)

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастурида аёллар ва ёшларга бағишланган алоҳида бўлим бўлиб, хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, меҳнат қилиши ва эркин касб танлаши, хавфсиз меҳнат шароити, ижтимоий ҳимоя, тиббий хизмат билан таъминланиши ва бошқа ҳуқуқлари амалга оширилишига жиддий эътибор бериш кўрсатилган.***

*Дастур қандай бажарилмоқда?*

# АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР

### МУСТАҲКАМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДА

Қорақалпоғистоннинг чекка туманларидан бири Хўжайлида 146 минг аҳоли яшайди. Туман ҳокимлиги ва касаба уюшмалари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда фуқароларни ижтимоий муҳофазалаш, аёллар мавқеини ошириш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўрмоқда.

Касаба уюшмалари томонидан 2671 нафар кўп болали аёлга 5 миллион 347 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Корхона ва ташкилотлар касаба уюшмалари билан ҳамкорликда 18 нафар хотин-қизнинг республикамизнинг марказий оромгоҳларида дам олиб, даволанишларига имкон яратдилар.

Хотин-қизлар саломатлигини, ёшлар ва оилаларнинг тиббий маданиятини, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялашни яхшилаш экологик вазият мураккаблашган Оролбўйи шароитида муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам туманда истиқомат қилаётган 37 минг нафар туғиш ёшидаги аёлнинг соғлиғи қатъий назоратга олинган. Иш жойларида улар учун қўшимча имтиёзлар яратилган.

82 нафар малакали болалар шифокори оилада тиббий маданиятни ошириш, чақалоқлар тарбияси, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича даволаш-профилактика тадбирларини олиб боришаяпти.

Фуқароларга 725 ўринли шифохона, 100 ўринли туғруқхона ва бошқа қатор тиббиёт шоҳобчалари малакали хизмат кўрсатмоқда. Гулнора Турниёзова раҳбарлик қилаётган хотин-қизлар маслаҳатхонаси эса ҳамиша гавжум.

Тажрибали болалар шифокори, «Шуҳрат» нишони соҳиби Йўлдош Абдураҳмонов, олий тоифали акушер-гинекологлар Бибижон Иззатова, Назира Давлетова, педиатрлар Сора Турғунова, Назира Успанова, Алия Ешимовалардан иборат гуруҳ туманнинг «Найман», «Тошкент», «Ойбек», «Амударё» ширкат хўжаликларида бўлиб, аёллар билан санитария-озодалик ва даволаш тартибларига амал қилиш бўйича суҳбатлар ўтказдилар.

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида «Ёш оналар мактаблари» фаолият кўрсатаяпти. Турмуш қурган 202 нафар келин-куёв тиббий кўрикдан ўтказилди. Ёш болали оналарга хайрия ёрдамлари орқали дори-дармонлар ва бошқа даволаш воситалари етказиб берилаяпти.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ёшларнинг жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти. Ўтган мавсумда меҳнаткашларнинг 700 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида дам олдирилди.

Мамлакатимиз шимолида жойлашган туманимизнинг демографик вазияти тиббий хизмат маданиятини янада ошириш, аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлашга жиддий аҳамият беришни тақозо этади. Шу боис, қишлоқ ва овуллардаги тиббиёт муассасалари фаолиятини янада кучайтириш учун, олис манзилларга тиббий-ижтимоий ходимлар юборилмоқда.

**Бекпўлат НУРПЕИСОВ,**
**Хўжайли туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Женевада БМТнинг инсон ҳуқуқларига бағишланган халқаро конференцияси очилди. У олти ҳафта давом этади. Анжуманда аксилмиллатчиликка қарши кураш, қийноқ ва ўлим жазоси, шунингдек, инсоннинг инсон кучидан фойдаланиш таомилларига барҳам бериш вазифалари кўриб чиқилади. Зотан, ушбу масалалар айни пайтда башарият олдида турган энг долзарб муаммоларга айланмоқда.

### АМАЛИЙ ҚАДАМЛАРДАН СЎНГ

БМТ Хавфсизлик Кенгашида Яқин Шарқдаги аҳвол, хусусан, Исроил билан Фаластин мухторияти ўртасидаги муносабатлар муҳокама этилгач, мавжуд вазиятни яхшилаш борасида, айтиш мумкинки, амалий қадамлар қўйила бошланди. РФ президенти В.Путин, АҚШ президенти Ж.Буш ҳам икки ўртадаги қалтис тўқнашувларга барҳам бериш лозимлиги йўлида қатъий талаблар қўйдилар. Шундан сўнг АҚШ вице-президенти Ричард Чейни ҳамда АҚШ президентининг махсус вакили Энтони Зинни Яқин Шарққа сафарга отландилар. Улар Исроил бош вазири Ариэл Шарон ҳамда Фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан мулоқотда бўлганларидан сўнг икки ўртада музокаралар бошлаш имконияти вужудга келди.

### ПАНКИС ДАРАСИ АТРОФИДА

Анчадан буён Грузия билан Чечинистоннинг туташ ҳудудидаги Панкис дарасида яширинган террорчи гуруҳларга қарши кураш учун бошқа кучлардан ҳам фойдаланиш хусусида гап бормоқда эди. Бунинг учун АҚШ томони бир неча юз нафардан иборат махсус хизмат вакилларини, шунингдек, зобит йўриқчиларни мазкур минтақага юбориш истагини билдирди. Ниҳоят куни-кеча 150 кишидан иборат дастлабки гуруҳ Грузияга келди. Баланд тоғлар тепасидаги қорлар эндиликда эрий бошлади. Оқибатда ҳарбий операцияларни бошлаш имкони туғилди.

### ЛЕЙТЕНАНТ ТИРИК ЭКАН

Яқинда «Washington Post» газетаси АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари учувчиси Майкл Скотт Спейчер тақдирига оид шов-шувга сабаб бўлган мақола чоп этди. Чунки у 1991 йилдаги «Саҳродаги бўрон» операциясини амалга ошириш пайтида бедарак йўқолган эди. Сафдошлари уни ўлдига чиқаришган эдилар. Газетада ёзилишича, М.С.Спейчер самолёти уриб туширилгандан сўнг, Ироқда асирликка олинган экан. Бу маълумотлар МРБ томонидан ошкор этилди. Эндиликда Америка томони ўзининг учувчисини озодликка чиқариш йўлида саъй-ҳаракатлар қилмоқда.

### КАНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Сўнгги хабарларга қараганда, Канада бош вазири Жан Кретьен Си-Би-Си телекомпаниясига берган интервьюсида АҚШ Ироққа қарши ҳарбий операция бошласа, канадалик ҳарбийлар ҳам унда иштирок этиши мумкинлигини маълум қилди. Шу билан бир қаторда АҚШ бу масалада Туркиянинг қўллаб-қувватлашига ҳам умид билдирмоқда.

### ЖИНОЯТЧИЛАР БОШЛИҒИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Мексиканинг Пуэбла шаҳри яқинидаги Тихуана минтақаси гиёҳвандлар картелининг машҳур бошлиғи Бенхамин Арельано Феликс қўлга олинди. Мазкур картел бу ердан гиёҳванд моддалар — кокаин, марихуанналарни асосан АҚШга жўнатиб турган. Санора, Синалоа, Қуйи Калифорния штатлари орқали юбориладиган оғулардан жуда катта фойда кўрилган. Мазкур жиноятчи гуруҳининг раҳбарлари ака-ука Арельано Феликслар бўлган. Тўнғич ака Бенхамин билан биргаликда унинг гумаштаси Мануэл Мартинес Гонсалес ҳам ҳибс-га олинди.

**Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ САНЪАТ КОШОНАСИ

(Боши 1-бетда)

Ўша мустабид замонларни кўрмаган ҳозирги ёшларимиз учун миллий мусиқага бўлган бундай муносабат мантиқсиз ва кулгили бўлиб туюлади, албатта.

Лекин шу ерда ўтирган ёши улуғ санъаткорларимиз ана шундай носоғлом қарашлар туфайли ижод аҳли қанча жабр чекканини, не-не инсонларнинг наинки истеъдоди, балки ҳаёти ҳам барбод бўлиб кетганини яхши биладилар, деб ўйлайман.

Бугун яқин ўтмишимизга хос бўлган, халқимизни ўз миллий табиатидан жудо қилишга қаратилган бу каби воқеа-ҳодисаларга биз ғайритабиий ҳаракатлар, деб баҳо беришимиз, энг муҳими, улардан керакли сабоқ ва хулосалар чиқариб, консерватория фаолиятини биз учун устувор тамойил бўлган миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ривожлантиришимиз даркор.

Муҳтарам санъат намояндалари!

Бугун сизларнинг, барча мусиқа ихлосмандларининг ихтиёрига топширилаёган, энг нозик дид ва юксак замонавий талабларга жавоб берадиган бу муҳташам кошона, ҳеч шубҳасиз, ҳаётини санъат йўлига бахшида этган фарзандларимизнинг истеъдодини рўёбга чиқаришдек улуғ мақсадга хизмат қилади.

Бундай олижаноб, эзгу ниятларни, орзу-умидларимизни, қолаверса, ишончимизни рўёбга чиқариш учун албатта кўпгина масалаларга алоҳида эътибор билан қарашимиз зарур.

Бугунги мавжуд муаммоларга, бу соҳага бўлган муносабатимизга, барча ишларимиз ва фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, баҳо беришимиз шарт.

Ҳозирги кун талаблари бутун мусиқа таълимини янги, юқори босқичга кўтаришни, шу жумладан, консерваториямиз имкониятларига янгича нуқтаи назардан ёндашиб, янги ихтисослик йўналишлари, факультет ва бўлимлар очишни тақозо этади.

Ўйлайманки, консерватория қошида санъатимиз ниҳолларини тарбиялаб, парвариш қиладиган академик лицей ташкил қилиш, мусиқа илмий-тадқиқот марказини тузиш, дунёдаги энг нуфузли ўқув даргоҳларидан машҳур санъаткор ва педагогларни ишга таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айниқса, асрлар давомида мисқоллаб тўпланган, аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган бебаҳо маънавий меросимиз қаторида мусиқа жавоҳирларини ҳам асраб-авайлаб, янада бойитиб, келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак.

Шу ўринда мен санъаткорларимиз, ижодкор зиёлилар, жамоатчилигимиз вакиллари томонидан билдирилаётган бир таклифни сизларга ҳавола қилмоқчиман.

Яъни, бу олий мусиқа даргоҳининг мамлакат маданий ҳаётидаги ўрни ва мавқеини инобатга олиб, уни бундан буён Ўзбекистон давлат консерваторияси, деб атасак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри қарор қабул қилган бўлур эдик.

Бу ном аввало консерваториямиз олдида турган улкан вазифаларга, унинг мана шу ҳашаматли, муаззам биносига ҳам, обрў-эътиборига ҳам ғоятда мос тушади, деб ўйлайман.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун биз дунёдаги ривожланган давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, юртимизда эркин ва фаровон жамият барпо этаётган эканмиз, санъатни, мусиқани ўзимизнинг маънавий ҳамроҳимизга айлантирмасдан туриб, ана шу юксак марраларга эришишимиз, ҳаётимизни янада мазмунли, янада ёруғ ва ҳар томонлама мукаммал қилишимиз мумкин эмас, албатта.

Бундай олижаноб мақсадларга етиш учун биз мусиқа санъатини фақат марказда эмас, балки олис шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам ривожлантиришимиз, бу соҳанинг фаоллари, фидойиларини доимо қўллаб-қувватлашимиз ва мана шу гўзал даргоҳда улар билан тез-тез учрашиб туришимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, ҳаётбахш мусиқа садоларининг юртимиз бўйлаб ҳамиша янграб туриши ҳаётимиз қоидаси бўлиб қолиши даркор.

Бу вазифаларни бажаришда консерваториямиз барча ишларни мувофиқлаштириб, уларга бош-қош бўладиган нуфузли марказга айланиши зарур.

Ишонаманки, бу даргоҳда таълим-тарбия оладиган ўғил-қизларимиз келажакда буюк созанда, хонанда ва бастакорлар бўлиб етишади, Ўзбекистон санъатини янги чўққиларга олиб чиқади.

Бу муҳим ва масъулиятли ишда биз, биринчи галда, ҳаётини шу соҳага бағишлаган сиз, муҳтарам устоз-мураббийларга, ижодкор зиёлиларга, барча маданият намояндаларига таянамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу бетакрор санъат қасрини барпо этишда сидқидилдан меҳнат қилган лойиҳачи ва муҳандисларга, қўли гул уста ва қурувчиларга, бу хайрли ишда қатнашган барча юртдошларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган ушбу муҳташам бинонинг ишга туширилишини биз мусиқа санъатига нисбатан меҳр-муҳаббатимизнинг ёрқин намоёни, деб қабул қилишимиз керак.

Мана шу улуғвор саройнинг эгалари бўлган санъат аҳлига, талаба ўғил-қизларимизга қарата шуни айтмоқчиманки, бу гўзал кошона сизларга, бутун халқимизга муборак бўлсин, санъатимизни янада юксалтириш йўлида хизмат қилсин, янги ютуқ ва омадлар келтирсин!

Бу маърифат ва нафосат масканидан ҳамиша эзгулик ёғдуси, ҳаётга муҳаббат, бахт ва қувонч садолари таралиб турсин!

Барчангизни қутлуғ Наврўз айёми билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.





Нурота тумани Ғозғон қишлоғидаги чашмадан қадим-қадимдан минглаб беморлар шифо топиб келганлар. Бу ажойиб маскан кейинги йилларда янада кўрк очди.

**Суратларда: «Рангтош» фирмаси қайта таъмирланган чашма.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

***Пешку тумани Ибн Сино номли ширкат хўжалигида белоруссиялик тадбиркорлар пахта калавасини тайёрловчи корхона қуришни мўлжаллашаётир. Бу — очилаётган тузилаётган дастлабки қўшма корхона ҳисобланади.***

## ЖАМИ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

Қўшма корхонанинг Низом жамғармаси 5 миллион 76 минг АҚШ долларини ташкил этди, - деди корхона раҳбари Шароф Омонов «Туркистон-пресс» мухбирига. - 2 миллион 968 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит Осиё тараққиёт банки томонидан тақдим этилди.

Мазкур маблағлар ҳисобига цехлар қурилиши бошланди. Бу цехлар Германия Швециядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланади. Корхонада йилига 2,5 минг тонна калава ишлаб чиқарилади. Жами тайёрланган маҳсулот Белоруссияга юборилади.

*2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили*

# УШАЛГАН ОРЗУ

Қумлоқ даҳаси Эски Тошкент тарихида ўз зарварағига эга. Одамлари ҳунарманд, танти, ташаббускор. Улар орасида бир оила борки, маҳалла аҳли уни фахр ила тилга олади.

Бахтли хонадонга бош-қош бўлиб келаётган Обиджон Собиров 25 йил мактабда ўғил-қизларимизга таълим-тарбия берди. Мана, 8 йилдирки, у ҳудудий «Бирлик» маҳалласи оқсоқоллар кенгаши раиси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Анъаналарни ҳаётга кенг жорий этиш, ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришда унинг ташкилотчилиги қўл келмоқда.

Собировлар оиласини қўли гул кишилар, дея таърифлашади. Оналари Инобат ая Раҳматуллаева 90 ёшга қараб кетаётган бўлса-да, асло тиниб-тинчимайди. Унинг насиҳати билан фарзандлар ҳовлида 3 сотихли иссиқхона барпо этдилар. Шу сўлим фаслда ойнаванд далага назар ташласангиз, серҳосил помидорларни кўриб, ҳайратингиз ошади.

— Яхши кишилар болаларига ёшлигидан ҳунар ўргатади, - дея фикрини ифодалайди Инобат ая. - Узоқ йил Ҳасанбой қишлоғида катта боғда Тошкент канали қурилишида меҳнат қилдим. Деҳқончилик, ажойиб боғ яратиш сирларини пухта ўргандим. Қаловини топсанг, қор ёнади, деганларидек, мана энди ҳовлимизда неъмат етиштириб, яхшигина даромад оляпмиз. Шунинг ҳисобидан уйлар қуряпмиз, тўйлар қиляпмиз.

Файзли хонадондан одам аримайди. Кўни-қўшни, қариндош-уруғлар табаррук онахонни йўқлаб, дуоларини олишади. Ким келмасин, шундай ният қилади:



— Бизнинг фарзандларимиз ҳам сизнинг ўғил-қизларингиз қатори ҳунарли, меҳру оқибатли бўлиб, қариганимизда иззатда, роҳат-фароғатда яшашликни насиб айласин...

**Қобилжон ШОКИРОВ,**
**Икром ҲАСАНОВ.**



***Попдаги "Ўзбекистон ўрамли томёпқич ашёлари" акциядорлик жамияти "Ўзқурилишматериаллари" компанияси тасаррувидаги Марказий Осиёда ягона бўлган саноат корхоналаридан бири ҳисобланади.***

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

- 2001 йилда жами 5 миллиард сўмлик қурилиш жиҳозлари ишлаб чиқарилди, - деди жамият раиси Турсунбой Эргашев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Жорий йилда мавжуд имкониятлардан янада унумли фойдаланган ҳолда 7,7 миллиард сўмлик ёки 40 миллион метр квадрат томёпқич ашёси (тўл) ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бугунги кунда тайёрланаётган маҳсулотлар Марказий Осиё ҳамда МДҲ давлатларига экспорт қилиняпти. Жамоамизда иш уч сменада ташкил қилинган бўлиб, айни пайтда 2000 нафар ишчи хизматчи баракали меҳнат қилишмоқда. Корхонада картон, изол, рубероид ҳамда базальт ишлаб чиқарувчи асосий цехлар ва таъмирлаш механика цехи, темир йўл, исиқлик энергияси ишлаб чиқариш цехи каби 29 та ёрдамчи цех мавжуд бўлиб, маҳсулотлар асосан бошқа саноат корхоналарининг чиқиндиларини қайта ишлаш йўли билан тайёрланади.

**"Туркистон-пресс".**

*Омилкорлик*

# ҚЎШИМЧА ПУЛЛИК ТАЪТИЛ

Аслида «Ангорпласс» масъулияти чекланган жамият 1991 йилда туман «Пахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил этилганди. Ўша кезларда ёлчитиб ишланмаган калиш тайёрлаш цехида кейинги икки йил мобайнида ишлар бирор дақиқа ҳам тўхтамади. Бунга бурноғи йилдан буён мустақил фаолият юритилаётганлиги боис эришилди.

Атиги 16 нафар ишчи-хизматчи ишлайдиган миттигина корхона ўтган йили 22 минг жуфт калиш ишлаб чиқарди. Жамоа шартномасига биноан ишчиларга ишлаш ва дам олиш шароитлари яратиб берилди.

Аввало, меҳнатга яраша рағбат йўлга қўйилган. Хусусан, ишчиларимизга ҳар ойда ўртача 16 минг сўм иш ҳақи тўланмоқда. Уларга меҳнат таътилига чиқаётганда бир ойлик маош миқдорида мукофот пули берилади. Яхши ишлаганларга қўшимча пуллик таътил берилади.

Техника хавфсизлиги учун 500 минг сўмга яқин пул ажратганмиз. Ишловчилар бепул иш кийими билан таъминланган. «Маънавият ва маърифат» ҳамда дам олиш хоналари ташкил этилиб, керакли жиҳозлар билан безалган. Илғор ишчиларимиздан Ўткир Хўжақулов, Отамурод Сатторов, Эркин Тоғаев, Абдуғани Хўжанов, Маърифат Чориева, Рафаэл Ҳокимовлар вилоят «Хонжиза» дам олиш масканида бепул ҳордиқ чиқаришди.

**Ойнаҳол ТОЖИЕВА,**
**Ангор туманидаги «Ангорплас» масъулияти чекланган жамият касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# ХЎЖАЛИК РАҲБАРИГА ЖАРИМА СОЛИНДИ

Арнасой туман жиноий ишлар бўйича суди ўзининг очиқ суд мажлисида Жиззах вилоят Адлия бошқармаси томонидан юборилган материалларни кўриб чиқар экан, тумандаги «Самарқанд» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари Рустам Камбаевга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 66-моддасига мувофиқ амалдаги энг кам иш ҳақининг етти баравари — 24010 сўм миқдорида жарима солишга қарор қилди.

Хўш, хўжаликни беш йилдан буён бошқариб келаётган Р.Камбаев нега жаримага тортилди?

«Самарқанд» хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро Фотима Эшмирзаева 2001 йил 25 июн куни хўжалик раҳбарига фермер хўжалиги очиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзма мурожаат қилади. Лекин бу мурожаат эътиборсиз қолдирилди. Р.Камбаевнинг тан олишича, «Аризани рўйхатдан ўтказмаган, чунки хўжаликда аризаларни қабул қилиш журнали юритилмаган. Бу билан у «Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда республика ҳукуматининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузиб, фуқаро Ф.Эшмирзаеванинг аризасини кўриб чиқишни пайсалга солган .

Арнасой туман ҳокими ва хўжалик раҳбари унинг ҳақли талабини қаноатлантирмагач, Ф.Эшмирзаева ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришларини сўраб вилоят Адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Шундан сўнггина Ф.Камбаевнинг етти ойлик сукут сақлаши барҳам топиб, ҳақиқат сув юзига қалқиб чиқди. Жорий йилнинг 24 январида «Самарқанд» хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан аризачи Ф.Эшмирзаевага хўжаликнинг экин майдонидаги 95-контурдан 12 гектар ер ажратиб берилди.

**Абдурашид АБДУРАИМОВ,**
**Жиззах вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.**

# АРИЗАЧИЛАР ТАЛАБИ

## қаноатлантирилди

Қарийб 80 минг қўй-қўзи парвариш қилинаётган хўжалигимизда нафақат ишловчилар, балки Боймурот овули ҳамда бошқа соҳа ходимлари, қариялар, кўп болали оилалар ҳам жамоамиз томонидан ижтимоий ҳимояланмоқда. Жумладан, болалар боғчаси тарбияланувчилари 145 минг сўмлик, уруш фахрийларидан 14 нафари 139 минг сўмлик совға олишди. Кам таъминланган 22 оилага 324 минг сўм миқдорида моддий ёрдам берилди.

Ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга бўлган эътиборни моддий ёрдам сўраб ёзилган 123 аризадаги талабларнинг тўла қаноатлантирилганидан ҳам билиш мумкин.

Хўжалик маъмурияти билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаларида меҳнат беллашувлари масаласи алоҳида ўрин тутади. Ғолиб жамоа ва чўпонлар муносиб тақдирланишади. Ўтган йил мавсуми давомида улар 2 миллион 491 минг сўмлик мукофот олдилар. 2-ферма чўпони Даурхон Дуйсенов эса қўзилатиш мавсумида рангли телевизор соҳиби бўлди.

**Алишер ДУЗЕЛБАЕВ,**
**Конимех туманидаги «Абай» наслчилик ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*Биласизми?*

## ҚАДИМИЙ ПОЙТАХТ

Сурия мамлакатининг Дамашқ шаҳри дунёдаги энг қадимий пойтахт ҳисобланади. У эрадан аввалги иккинчи минг йилликдан бери муттасил пойтахт шаҳар бўлиб келмоқда.

## ШАМ-БАЛИҚ

Эвлихон деб аталган балиқнинг турган-битгани ёғ. Америка ҳиндлари ундан катта чироқ ўрнида фойдаланишади.Бунинг учун балиқ офтобда қуритилади, кейин ипга боғлаб ёқилса, шамдан қолишмайдиган даражада ёруғлик тарқатади.

## ЭНГ ЮПҚА МАТО

Маълумки, ананас ширин ва хўшбўйилиги билан машҳурдир. Бунга яна унинг бошқа фазилати ҳам қўшилди.

Унинг баргидан жуда пишиқ ва толаси шойиникига қараганда тўрт марота ба ингичка бўлган тола олиш мумкин экан. Япониянинг «Канэбо» фирмаси ананас баргидан олинган толадан мато яратиш технологиясини ишлаб чиқдилар.

Бунинг учун ананас барги махсус мойга ботириб олинади. Фирманинг ананасдан тайёрлаган янги бу кўркам маҳсулоти тагига «бу толадан тайёрланган мато ҳамма машҳур матолардан ҳам юпқа ва жуда пишиқ» деб ёзилган.

## ТЕЛЕҚЎНҒИРОҚ

Франция уйларидаги эшикка махсус янги моделдаги қўнғироқ ўрнатилган. Уни «телеқўрғон» деб номлаш мумкин. Чунки бундай қўнғироқни телевизорга улаб қўйса ҳам бўлади.

Телевизорни ўчириб қўйган бўлсангиз ҳам қўнғироқ тугмачаси босилса, овоз чиқариши билан бирга телевизор экранида уйингизга келган кишининг тасвири пайдо бўлади.

**А.АЛИЕВ тайёрлади**

## ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ...

*Кўклам келса қолмайди қишнинг изи,*
*Қулф урар кўкаламзор ернинг юзи.*
*Жон кирди борлиққа, табиатга,*
*Она янглиғ жилмаяр куннинг кўзи.*

АБАЙ.

*Кўкарди чаман, гулзорим қани?*
*Сиҳи сарв бўйлуқ нигорим қани?*
*Топибдур бу кун васли гул андалиб,*
*Дариғо, менинг навбаҳорим қани?*

ЛУТФИЙ.








# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

*Ибрат бекати*

***Яқинда Тошкент шаҳрининг «Иттифоқ» мавзесидаги хонадонларнинг бирига зарур юмуш билан бордим. Бир қарашда ўртамиёна ҳовли. Лекин қаршидаги уч қаватли ҳашаматли уй гўё унга тушадиган қуёш нурини ҳам тўсиб қўйгандек эди. Шу боис нафақат дов-дарахт, ҳатто хонадон аҳлининг чеҳраси ҳам заҳил кўринарди.***

## ЯХШИЛИК ИМОРАТИ

Устига устак, шоҳона иморат соҳиби, кенг йўлни ҳам ўз томорқасига қўшиб олгач, қўшнининг дили оғриб, масъул идоралардан кўмак сўраган, аммо... Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ҳаётда изсиз кетмайди. Ҳаммага баробар нур сочувчи қуёш нурларини ҳам қўшнисидан тўсиб қолган феъли тор бу инсонга ҳашаматли қасрида яйраб-яшаш насиб этмади.

Бировларни норизо қилиб кўтарилган иморат на ўзига ва на оиласига насиб қилди:

Хайриятки, дунёда яхши одамлар кўп. Ҳожимурод ота шулардан бири, беҳисоб хайрли ишлари билан кўпчиликнинг ҳожатини чиқарган киши.

Юнусободда истиқомат қилувчи кўп фарзандли бир оила бошига кулфат тушиб, каттаси етти яшар, кичиги бешикда бўлган олти нафар сағир муштипар она қўлида бил ғиллаб қолди. Ҳожимурод ота бу воқеани эшитдию, кенжа фарзандларининг тўйига атаб олинган бир қоп ун, бир қоп гуручни бомдоддан сўнг ўғли Лутфулланинг юк машинасига ортиб, етти ёт бегона хонадон эшигига ташлаб кетди.

— Шу ишни кундуз куни бажарсак бўлмайдими, мен ҳозир ишга шошилиб турибман, - дея норозиланган ўғлига Ҳожи ота танбеҳ берди:

— Бировга қилган яхшилигингни нафақат хонадон соҳиби, ҳатто унинг қўни-қўшниси ҳам билмаслиги керак. Ҳожимурод ота оддий деҳқон, ижарачи. Ёзи билан қадоқ қўлларидан кетмон тушмасди. Ҳар куни учтўрт чақирим йўл босиб 50-60 килограмм келадиган қопларни орқалаб бозордаги кўтарачиларга, буларнинг ҳам бола-чақаси бор, деб инсоф билан сотиб қайтарди.

Баъзан бозордан катта пулга оёғида зўрға турадиган молни сотиб олиб келардилар. Шунда завжаи муҳтарамалари Жаннат ая бироз койисалар, отахон шундай дердилар:

— Палончи пулга муҳтож бўлиб шу сигирни бозорга солипти, бир ёғи қўли калталик қилиб, жониворни яхши боқолмаган кўринади. Мен унга атайлаб қимматроқ баҳо қўйдим. Аммо харидор топилмагач, ўша нархга ўзим сотиб олдим. Икки-уч товоқ сути ҳам бор. Ўғилларимиз бир-икки ой парвариш қилишса, ўзига келиб қолади, - деб аёлларига таскин берардилар.

Бу ҳам аслида саховатнинг бир кўриниши.

Ҳожимурод отанинг бу каби беҳисоб хайрли ишларини ўйлаб ўтириб, улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой ҳақидаги бир ҳикояни эсладим. Айтишларича, бир куни Толстой «йўқолиб» қолибди. Оила аъзолари хавотир олиб губерниядаги қишлоқларга одам юборишибди. Аммо Лев Николаевични топа олишмабди. Орадан бир ҳафта ўтгач, кечки пайт улуғ адиб ҳорғин, толиққан ҳолда уйига кириб келибди.

Ундан, қаердалигини сўрашганда, узоқ қишлоқда яшовчи бир ночор деҳқон хат йўллагани, унда оиласи бошига оғир кулфат тушиб, оти ўлиб қолганини ёзган экан. Толстой ўша деҳқонни қидириб қишлоққа борган ва от сотиб олиш учун пул бериб келганини айтади. Шунда уйидагилар:

— Пулни почта орқали жўнатиб юборса ҳам бўларди-ку, - дея эътироз билдиришади.

— Тўғри, шундай қилсам ҳам бўларди, бироқ деҳқонга пулимдан кўра, унинг дарду ҳасратини индамай тинглаб ўтиришим, юпатиб айтган икки оғиз ширин сўзим кўпроқ зарур эди, - дея жавоб берган экан.

Ҳожимурод ота ҳам ёшлардан насиҳатларини, одамлардан ширин сўзини аямасдилар. Зеро, пайғамбаримизнинг ҳадисларида «Ширин сўз ва яхши гап ҳам эҳсон ҳисобланади» дейилган.

**Жўра МАҲМУД.**

## ҚОРАТОҒ ДАРАСИДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ

«Термиз-Тошкент» шоҳ йўлининг Китоб туманидаги Қайнар қишлоғидан ўтувчи, бир томони Тахтақарача довони, бир томони адирликларга уланиб кетган Қоратоғ дараси Наврўзи оламни нишонлаш учун ташриф буюрган 5 мингдан ортиқ аҳолининг шоду ҳуррамлиги ила янада файзга тўлди.

Санъаткорларнинг чиқишлари барчада илиқ таассурот қолдирди. «Ассалом, Наврўз!» мусиқий композициясида она Ватан мадҳи, деҳқонларнинг жўшқин ҳаёти, Наврўзнинг келиб чиқиши саҳна кўринишларида акс этди. Туман хўжаликлари яйловларга ўтовлар тикиб дастурхон безадилар. Хусусан, Каромат Рустамова, Охунбобоев, Навоий номли, «Зарафшон» ширкат хўжаликлари меҳнаткашлари тайёрлаган байрам дастурхонлари ўзига хослиги билан барчанинг диққатини тортди. «Зарафшон» ширкат хўжалиги кутубхоначиси Гулчеҳра Омонова томонидан ҳозирланган «Наврўз нони»га ҳакамлар ҳайъати юқори баҳо берди.

Халқ сайли, маълумки, турли спорт мусобақалари — миллий кураш, кўпкари сингари ўйинларсиз ўтмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Байрамда иштирок этган кекса отахон ва онахонлар бу йилги Наврўз ҳар жиҳатдан кўтаринкилик остида ўтганлигини таъкидладилар.

— Бу тинчлик шарофати, фаровонлик ва қут-барака шукронаси, — дейишди меҳнат фахрийлари Пўлат Қурбонов, Бурхон Абдиев ҳамда Орзимурод Махманисаев ўз ҳаяжонларини яшира олмай.

Наврўз айёми Қашқадарё воҳасининг ҳар бир гўшасида зўр тантана билан нишонланди. Жумладан, «Паландара» болалар сиҳатгоҳида ўтказилган байрамда келажагимиз эгалари дилдан яйрадилар, куй-қўшиқ, рақс ижро этиб, кўнгилларни шод айладилар. Бу ерда асосан вилоят туманларидан йўлланма билан келган етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар соғломлаштирилади, шунингдек, улар шу ернинг ўзида таълим-тарбия ҳам оладилар. Вилоят соғлиқни сақлаш Бош Бошқармаси тасарруфидаги мазкур сиҳатгоҳда Наврўз байрами муносабати билан бўлиб ўтган «Иқбол»кўрик-танловида ўқувчи-қизлар ўзларининг зукколиклари, ҳозиржавобликлари билан барчани қувонтирди.

— Ҳар бир байрам, улуғ айём кунида туман ҳокимлиги, жамоат ташкилоти вакиллари ташриф буюриб, болаларга совға-саломлар улашадилар, — дейди сиҳатгоҳ бош ҳакими Исомиддин Эвадов. — Касаба уюшмалари вилоят вакиллари ҳам бизни ҳеч эсдан чиқармайдилар.

Шу куни маҳаллаларда, истироҳат боғларида томошалар ташкил қилинди. Шодиёналар давом этмоқда.

**Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.**

**Суратларда: (юқорида) «Зарафшон» ширкат хўжалиги кутубхоначиси Гулчеҳра Омонова. Байрам томошалари. (Пастда) «Паландара» болалар сиҳатгоҳида Наврўз айёми.**





*Қинғир иш — келтирар ташвиш*

## СИМ ЎҒРИЛАРИ

***Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Зомин, Пахтакор ва Жиззах туманлари ҳудудларида бир қанча вақт мобайнида электр симлари ва кабелларини ўғирлаш билан шуғулланиб келган жиноий гуруҳ қўлга олинди.***

«Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги ҳудудида милиция ходимлари «Москвич» русумли автомашинани тўхтатишади. Текширув ўтказилганида автомашинадаги шахсларнинг нотаниш эканликлари, юкхонада эса резина қўлқоп, илгак, омбурлар борлиги маълум бўлди. Суриштирувлар натижасида бу шахсларнинг туман ҳудудидан ўтган, Ғаллаорол тумани газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш корхонасига қарашли 2 километр узунликдаги электр симларни ўғирлаб, кейинчалик олиб кетиш мақсадида далага яшириб қўйганликлари аниқланди. Тергов ишлари натижасида Пахтакор туманида яшовчи 7 нафар шахс ўзаро жиноий тил бириктириб, Зомин тумани ҳудудидан бундан олдин ҳам мана шундай маҳсулотларни ўғирлашгани ошкор бўлди.

Шунингдек, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг Мис заводи цехидан 1439 килограмм мис қуймалари номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганида туман ички ишлар бўлими ходимлари синчковлик билан теварак атрофни кўздан кечириб, ишчилар билан суҳбатлар ўтказишди. Натижада мазкур корхона қоровули Ж.Қобул ушбу ўғирликни содир этганлиги аниқланди.

**Шерали АНВАРОВ, ИИВ Матбуот маркази инспектори, милиция лейтенанти.**

Ўқитувчи:
— Олтинни очиқ ҳавода қолдирсак, нима бўлади?
Ўқувчи:
— Ўғирлаб кетишади.

## НИМ ТАБАССУМ

***

— Дада, сиз қуёндан қўрқасизми?
— Йўқ.
— Бўлмаса, нега қуён овига милтиқ кўтариб борасиз?

***

— Бир кило қанд беринг.
Сотувчи устига «Қалампир» деб ёзилган қопни очди.
— Мен қанд беринг деяпман.
— Мен ҳам қанд бераяпман.
— Қопнинг устига «қалампир» деб ёзилган-ку?
— Жим,бу чумолини алдаш учун.

**Тўпловчи: Мансур ЮНУСОВ.**



*МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ*

## МАКТАБИ ДАВОМ ЭТАДИ

Ажойиб инсон, бутун умрини шоҳмотни ривожлантиришга бағишлаган, унинг тарғиботи йўлида улкан ишларни амалга оширган ва ўзидан нурли из қолдирган Мамажон ака Муҳиддиновнинг оламдан ўтганини эшитдиму қотиб қолдим. Ҳанузгача ишонгим келмайди. Кўнгилда кўпдан-кўп саволлар пайдо бўлади: нега ажойиб инсонлар жуда кам яшашади?

Устоз чинданам бу ёруғ дунёда фақат шоҳмот олами билан яшади. Шоҳмот тарихи, жаҳонга донг таратган гроссмейстерлар, Ўзбекистонимизда мўъжиза ўйинга бўлган қизиқишга оид йигирмадан ортиқ китоблари, кўпдан-кўп таржималари, мақолалари эълон қилинган. Ишқибозлар унинг ҳар бир матбуот орқали чиқишини сабрсизлик билан кутишарди. Жумладан, «Ишонч» газетасида «Шоҳмот сабоқлари» рукни остида чоп этилган мақолаларни, этюдларни зўр қизиқиш билан ўқиб боришарди.

Мамажон Муҳиддинов мактаби давом этади. Уни шогирдлари баҳоли-қудрат амалга оширадилар. Ишончим комилки, Мамажон аканинг ибратли ҳаёти, ажойиб фазилатлари, Худо берган истеъдоди барчамизга катта мактаб бўлиб хизмат қилаверади.

**Анвар ИНОҚОВ, шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.**

*Шоҳмот сабоқлари*

## ДУРАНГ ЎЙНАШ ҲАМ САНЪАТ

Рақиблар аниқ ва пухта ўйнаган тақдирда шоҳмот тахтасида кучлар тенг келган вазиятлар тез-тез содир бўлиб туради. Икки шоҳ бир-бирига қарама-қарши туради. Оқларнинг ўн олти донадан иборат сипоҳлари қораларнинг шунга ўхшаш теппа-тенг кучи билан жанг қилади. Ниҳоят чигал ва кескин кураш орқада қолади.

Ўз даврининг энг кучли шоҳмотчилари Мак-Доннел ва Лабурдоне ўртасида 1834 йилда Лондонда бўлиб ўтган матчда дуранглар ҳисобга олинмаганди. Дастлабки халқаро мусобақаларда (1851 йилда Лондонда, 1862 йилда Парижда) дуранг бўлган учрашувлар қайтадан ўйналганди. 1867 йилда Парижда ўтказилган учинчи халқаро турнирда эса дурангларни ҳисобга олиш ёки қайта ўйнаш у ёқда турсин, иккала рақибга ҳам мағлубият берилганди. Фақат 1870 йилда Баден-баден шаҳрида ташкил этилган халқаро мусобақадагина ўйналган партиялар дуранг билан якунланса, ҳакамлар қарори билан иккала шоҳмотчига ярим очко берилган. Шу-шу бу ер юзидаги барча шоҳмотчилар учун қонуниятга айланди.

Шоҳмотчи одатда 64 катакли тахта ёнида хаёлга берилиб, ўтирган чоғида кучлар тенг бўлишига қарамасдан бирорта сипоҳи ва пиёдасини онгли равишда қурбон қилади ва рақиби учун катта армияни бошқариш имкониятини яратади, ўзи кам сонли, аммо сафарбар, аниқ режали яхши уюшган аскарларини қарши ҳужумга ташлайди. Шоҳмотда натижа эмас, аслида ғояларга бой,шиддатли тус оладиган, эътиборни жалб этадиган қизиқарли кураш қадрланади.Зеро кўҳна бу мўъжизакор ўйин ана шу жиҳати билан ажойиб ва ғаройиб!

**1. ЮРИШ ОҚЛАРДАН: Отни шундай юриш қилингки, қоралар дуранг қилишга мажбур бўлишсин.**

**2. Ўзига яраша қийин вазият, аммо оқлар 11-12 юришдан сўнг ғалаба қозонади.**





ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 232. 1 2 3 4 5 6